



## ЎзХДП фракцияси қатъий позиция билдирди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Дастлабкиси “Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

► (Давоми 3-бетда)

## Сайловчилар билан учрашувлардан кейинги ўйлар

Бугунги сайловчи ким? Одатда сайловчи деганда, энг аввало сайлов кампанияси даврида овоз бериш жараёнида иштирок этувчи, яъни, бюллетенга яширин равишда овоз берувчи шахс тушунилади. Назарий жиҳатдан бу жуда тўғри, албатта. Кўпчилигимиз биламизки, узок йиллар давомида ҳаётда ҳам фақат шундай бўлиб келди. Яъни, сайловчи сайлов кўнигина кўриниш бериб, ўзи ёки бутун оиласи номидан овоз беради, кимга, нима учун овоз бергани ҳақида бош ҳам қотирмайди. Кейин ҳаёти давомида қанча-қанча муаммоларга дуч келса-да, депутатга мурожаат қилиш ҳаёлига ҳам келмайди. Бошқача айтганда, депутат ҳам, сайловчи ҳам бир-бирига кўриниш бермайди.

Бу ҳолат бугун деярли ўтмишга айланди. Деярли деярли демократиянинг боиси ҳозир ҳам шундай одамлар топилади. Аммо улар жуда кам. Сайловчиларнинг кўпчилиги эса сайлов жараёнига ҳам, ким сайланганига ҳам, ҳатто ўзи сайлаган депутатнинг фаолиятига ҳам бефарқ эмас...

### САЙЛОВЧИЛАРИМИЗ НИМАДАН БЕЗОВТА, НИМАДАН ХУРСАНД

Бугунги сайловчилар орасида депутатнинг ҳали номзодлик даврида берган ваъдаларини эслаб қоладиган, депутат билан учрашув бўлар экан, деган хабарни эшитса, қаерда бўлса ҳам топиб борадиган, муаммоларни шартта-шартта айтадиган, токи шу муаммолар ечимини топмагунча депутатни тинч қўймайдиганлари анча. Улар нимани истайди? Улар албатта, энг аввало ислохотлар, давлат раҳбари белгилаб берган вазифалар мутасаддилар томонидан тўлақонли бажарилишини истайди. Шунинг учун безовта бўлади. Бугунги фуқаро бир замонлардагидай битта мактабнинг қурилиши бир неча йиллаб чўзилишини оддий ҳол деб ҳисобламайди. Чунки, вазифа аниқ, ижро ҳам ўз вақтида бўлиши лозим. Давлат раҳбари ўтказаятган йиғилишларни кузатиб бораётган, фармон ва қарорлардан хабардор сайловчи буни билади. Талон-торожлик, коррупция ҳолатлари бўлишини истамайди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва депутатлар назорат қилиши кераклигини тушунгани учун ҳам депутатга юзланади.

► (Давоми 5-бетда)

### САЙЛОВЧИ МАНФААТИ

## ДЕПУТАТ СЎРОВИ ХАЛҚ СЎРОВИДИР

Маълумки, депутатга берилган ваколатлар орасида депутатлик сўрови алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, унда кўтарилаётган масала ортида, энг аввало, инсон тақдири, кўпчиликнинг манфаати туради.

Ҳеч ким бировнинг эшигини шунчаки тақиллатмайди. Сайловчини қайсидир масала ўйлантирса, қачонки бирор ҳудудда аҳоли қайсидир муаммо ечимини ҳал этишда қийинчиликка учраётган бўлса, қайсидир ташкилот одамларнинг арз-додига қулоқ тутмаётганида улар ўзлари сайлаган депутатга мурожаат қилишади.

Тўғри, улар орасида йўл-йўлакай ҳал этилаётган масалалар ҳам бор. Аммо

айримлари юқори ташкилотлар арлашуви ва Давлат дастурлари орқали бартараф этилади. Ҳар бир мурожаатчи депутатга умид билан юзланади, айримларининг эса сўнги чораси ҳам шу бўлади. Шунинг учун ҳам депутат ўз ваколати, мақомидан келиб чиқиб, мурожаатларни ҳал этиши, ҳудудларда фуқароларни ўйлантираётган муаммолар ечилиши учун кўмак бериши керак.

Бугун мазкур ваколатдан одамлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётган депутатлар кам эмас. Жойларда кўплаб масалалар самарали ҳал бўлмоқда.

► (Давоми 4-бетда)

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## «ЎСМИРЛИК ЖАРИ»

ЁХУД БОЛАЛАР НЕГА ЖИНОЯТ ҚИЛАДИ?

Қўлингизда қоғоз. Унга хоҳ чиройли чизинг, хоҳ қинғир-қийшиқ. Шуниси аниқки, нимани чизсангиз кўз олдингизда шунинг тасвири намоён бўлади. Болани ҳам оппоқ қоғозга менгаш мумкин. Оиладаги муҳит, ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳаттоки, одоб-ахлоқни ҳам қоғозга чизгандек, болангизнинг тарбиясига муҳрлайсиз. Яъни, оиладаги ҳар бир чизгини фарзанд ўз характери, онг-шуурида ўзлаштиради.



► (Давоми 7-бетда)

### ПАРИЖДАН - ТОШКЕНТГА



ИНСОНиятнинг илк бор коинотга парвозида ҳисса қўшган ўзбек олими

8



» СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

# ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ СЕКТОРИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда туризм инфратузилмаси замон талабларига мос равишда равнақ топмоқда. Меҳмонхона, транспорт, умумий овқатланиш, туроператорлик хизматлари мамлакат туризм салоҳиятини кенгайтиряпти. 90 дан ортиқ давлат фуқаролари Ўзбекистонга визасиз ташриф буюриши мумкинлиги, қўшни давлатлар билан чегарани босиб ўтишнинг қулайлашгани жаҳон аҳли учун саёхатни сезиларли даражада осонлаштирди.

Маълумотларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзida юртимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 10,28 миллион нафарга етди. Бу 2023 йилга нисбатан 55 фоизга кўпдир. Ваҳоланки, 2017 йилда Ўзбекистонга 2,6 млн турист меҳмон бўлиб келган. Саккиз йил ичида бундай кескин юқорилаш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Шунингдек, ички туризмда иштирок этганлар сони 22,67 миллион нафарни ташкил қилди, бу эса 2023 йилга нисбатан 2 миллион нафарга ёки 10 фоизга ўсишни англатади.

## Қўллаб-қувватлаш ва жорий трендлар

Сал аввал айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда бугун туризм энг истиқболли ва драйвер соҳалар қаторидан ўрин



олаётганига шунчаки табиий жараён сифатида қараш ноҳолисликдир. Бунинг ортида давлат томонидан оқилона ёндашувга асосланган қўллаб-қувватлаш сиёсати турганини англаш мушкул эмас.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълум қилишича, 2024 йилда юртимизда туризм соҳаси учун давлат бюджетидан жами 117 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар тадбиркорлик субъектларига молиявий қўмаклашиш учун йўналтирилган. Дейлик, хорижий туризм бозорларида Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳиятини тарғиб қилиш, янги дор йўлларини, меҳмонхоналарни қуриш ва жиҳозлаш мақсадларига салмоқли маблағлар ажратилган. Шу бир йил ичида ҳудудларимизда 80 та меҳмонхона, 215 та хостел, 294 та оилавий меҳмон уйлари, 2 та санаторий ва соғломлаштириш марказлари ташкил этилган. Туризм ташкилоти ва турагентликлар сони 3 минг 686 тага етган.

Туриш-турмушимиз, маданиятимиз ва кадриятларимизга қизиққан чет элликлар учун энг жозибадор лойиҳалардан бири – туризм қишлоқлари сони 20 тага етган. Паркент туманининг “Олтин бел” чўққисида халқаро даражадаги янги тоғ-чанғи зонаси барпо этиляпти.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги мухташам меҳмонхоналардан тортиб, оқиқ осмон остидаги музей шаҳарлар – Самарқанд-у Хива, Бухоро-ю Қўқондаги кичик хостеллар, миллий ҳунармандчилик дўконлари-ю халқимиз маъмурчилигининг ёрқин ифодаси бўлган бозорларимизда ҳам ҳайрат, ҳам мамнуният билан сайр қилиб юрган хорижий сайёҳларни кўрамыз. Ўзга юртлардан орзиқиб келаётган сайёҳлар оқими йилдан-йилга ортиб

бораётгани соҳада жорий этилаётган трендлар қутилган натижани бераётганини далиллайди.

Хўш, сайёҳ учун нима муҳим? Албатта, узоқ ўтмишдан ва аждодлар закосидан сўзловчи осори-атиқалар, миллийлигимизни намоён этувчи анъана ҳамда экспонатлар, ҳунармандчилик буюмлари – булар ҳеч бир хорижликни бефарқ қолдирмайди. Бироқ қарични каттароқ олиб кўрсак, фақат буларнинг ўзи сайёҳларни вақт ва маблағ сарфлаб заминимизга қадам қўйишига камлик қилади.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда сайёҳлар учун визасиз ва арзон саёхатни тақлиф этиш, хавфсизлик ва қулайликни кафолатлаш, барқарор ва ақлли туризмни шакллантириш тамойилларига устувор эътибор қаратилаётгани айнаи муддаодир.

## Аслида имконият бундан ҳам кенг...

Тадқиқотчилар Ўзбекистонда туризм саноати ўсиши ва ривожланиши учун имконият қамрови жуда кенг эканини урғулайдилар. Фақат бу улкан имкониятдан фойданишнинг инновацион ечимлари зарур. Қолаверса, бугун юртимизга келаётган сайёҳларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган камчиликларга ҳали ўзил-кесил нуқта қўйилмагани ҳам бор гап.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш ва хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, аслида ўлкамиз тарихи, маданияти ва табиатиغا асосланиб, сайёҳларни яна 2-3 карра кўпайтириш мумкин. Лекин айрим ҳудудларда йўл ва транспорт ноқулайлиги, санитария-гигиена шохобчалари, кўнгилочар жойлар ва қизиқарли дастурлар етишмаслиги

“

**ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, 2024 ЙИЛДА ЮРТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ЖАМИ 117 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛГАН. УШБУ МАБЛАҒЛАР ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА МОЛИЯВИЙ ҚЎМАКЛАШИШ УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАН.**

каби муаммолар ушбу мақсад учун тўсқинлик қилмоқда.

Йиғилишда жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шароитларни кенгайтириш чора-тадбирлари илгари сүрилди.

Масалан, Сариевнинг тумани асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, бу ерда киши туризмни йўлга қўйиш мумкин. Чортоқ тумани гўзал табиати, шифобахш суви билан сайёҳларни жалб қилади. Не бахтки, бундай ўхшаши йўқ манзиллар ўлкамизда жуда кўп.

Мутасаддиларга шу каби 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиёрат, кишки ва агротуризм асосида ривожлантириш

бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Миллий туризм ягона платформаси ишга туширилгач, унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари уланиши, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилиниши хорижий сайёҳлар учун замонавий қулайликларни яратади.

Умуман, бундай имкониятлар эвазига жорий йилда 15 миллион туристни жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Тадбирда ички туризмни ривожлантириш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Сир эмас, ўзбекистонлик фуқароларнинг туристик мақсадларда хорижий давлатларга чиқиш тенденциясида шиддатли ўсиш кузатилмоқда. Моҳиятан қаранганда, бу мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлик кўрсаткичи ошиб бораётганига бир исбот. Мисол учун, шу йилнинг январь-февраль ойда бир миллиондан ортиқ ўзбекистонлик айнан туристик мақсадларда чет элга чиққан. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21 фоизга кўп.

Худди шундай, юртимизда маҳаллий сайёҳлар сонини ҳам ошириш ҳаётий заруратдир. Ахир ҳали ҳам қўҳна Самарқандни, муаззам Бухорони, эртақнамо Ичан-қалъани кўриш орзусидаги юртдошларимиз оз эмас.

Ички туризм ривожини рағбатлантириш мақсадида энди ҳар ойнинг бир шанба-якшанбаси “Оила ва жамоа билан саёхатга чиқиш куни” деб эълон қилинадиган бўлди. Ёшлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига Ўзбекистон бўйлаб саёхат йўланмаси совға қилинади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Халқаро туризм бозорида етакчи давлатлар юксак сифатли ва арзон тур саёхатларни тақлиф қиладилар. Бинобарин, ўзбекистонликлар учун пойтахт биқинидаги баҳаво дам олиш масканига боришдан кўра Форс кўрфазини бўйидаги “Сахро устига қурилган” шаҳарга саёхат қилиш жозибадор ва иқтисодий енгилроқ бўлиб қолимоқда.

Нима демоқчимиз? Ички туризмнинг интенсивлик даражасини ошириш учун аниқ чора-тадбирлар керак. Шаҳарлараро саёхатлар учун имтиёзлар (овқатланиш, автотураргоҳлар учун чеғирмалар) бериш, арзон ва сифатли жамоат транспорти, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш шулар жумласидан.

### Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

-Жаҳон туризм бозорида етакчилик қилаётган давлатлардан саналган Франция билан Испанияга бутун дунёдан энг кўп туристлар келиб-кетаётганига 90-йиллар бошида европаликларга чегаралар очилгани сабаб бўлди.

Ёки Италиянинг қўҳна Венециясини олиб кўрайлик. Ўрганишлар бу шаҳарда ногиронлиги бор кишилар учун йўллар кўплиги, инклюзив муҳит яратилгани сайёҳлар оқими ўзгаришларининг сабабларидан бири эканини кўрсатади. Яъни, шаҳарнинг 50 фоиз қисми ногиронлик аравачасида юриш учун мослаштирилган.

Биламизки, ёш кесимида кўрганда кўпроқ вақти бемалол ва маблағи бўлган кекса кишилар хорижга саёхатга чиқадиладар. Улар учун ҳар томонлама қулайлик керак. Туризмни ривожлантиришда инклюзивлиқни таъминлаш гоятда муҳим экани боиси ҳам шунда.

Юртимиз асрлар билан бўйлашган осори-атиқалари билан ҳам машхур. Статистикада келтирилишича, бугунги кунда Ўзбекистонда маданий мерос объектлари сони 8 минг 366 тани ташкил қилади. Шундан 4 минг 796 таси археологик, 2 минг 268 таси архитектура ва 772 таси монументал санъат ёдгорликлари ҳисобланади. Диккатга сазовор жойлар 530 та бўлса, мозаика ва композициялар сони 157 та.

Саёхатчилар қадами ўзилмайдиган бу объектларни асраш, муҳофаза қилиш ҳар



қачонгидан долзарб. Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йиғилишда маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилиш, уларга тушумларни рақамлаштириш сингари устувор вазифалар кўрсатиб ўтилгани замирида аждодларимиздан қолган бу бойлиқни бекаму кўст келажак авлодларга етказиш мақсади турибди.

### Облоберди ОЛИМОВ, халқ депутатлари Қува туман кенгаши депутати:

- Туризм юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, водий гавҳари - Фарғона вилоятида ҳам ЯХМ ҳажмини ошириш имконини бераётган секторлардан бири. Масалан, сўнгги йилда вилоятда 9 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилди. 25 та янги меҳмонхона ва хостеллар фаолият бошлади. Туризм хизматлари экспорти 25 миллион доллардан ошди.

Туризмни кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар йили “Атлас байрами”, “Аския кечалари”, “Ўзум сайли” каби халқ сайиллари ўтказилмоқда. Ушбу фестиваллар орқали миллий анъаналаримиз, таомларимиз, ҳунармандчилик ва халқ оғзаки ижоди сайёҳларга намойиш этилади.

Фарғона туризм халқаси лойиҳаси доирасида 577 та маскан ва 50 дан ортиқ савдо-хизмат турлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бу лойиҳага кўра, сайёҳларнинг вилоятда қолиш муддати 3 кундан 7 кунгача ўзайиши, ташриф объектлари сони эса икки баробарга ошиши кутилмоқда. Шу билан бирга, туризм соҳасидаги янги лойиҳалар ва тадбирлар вилоят аҳолиси бандлигини оширишга, маҳаллий тадбиркорликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудларнинг туризм салоҳиятини яхшилаш бўйича давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар вилоятимизда ҳам амалий тасдиғини топиб борса, сўзсиз, Фарғона нафақат тарихий, балки замонавий туристик марказ сифатида янада сайёҳларни ўзига чорлайди. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий юксалиши, маданий бойлиги ва халқимиз ҳаётининг сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилади.

\*\*\*

Юқорида келтирилган йиғилишда, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги инвестициявий лойиҳалар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди. Халқаро молия ташкилотлари билан энергетика, транспорт, аграр, коммунал ва ижтимоий соҳаларда 20 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилаётгани эътироф этилиб, ҳудудларда яна камида 3 миллиард долларлик лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди. Вақтида бажарилмаган ёки асосиз қўзилаётган ҳолатлар тилга олинди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш қамровини ошириш юзасидан вазирлар, ҳокимлар, хорижий давлатлардаги елчилар ва соҳадаги тадбиркорларнинг тақлифлари тингланди.

**Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.**



# ЎзХДП фракцияси қатъий позиция билдирди



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланмокда. Бугунги кунга қадар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро доирада экстрадиция, жиноят ишларида ўзаро ёрдам, ҳаво қатнови, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, икки томонлама даромад солиғидан озод қилиш, фан ва техника ва бошқа соҳаларда 31 та ҳужжат имзоланган.

Мазкур ҳужжатда икки давлат ўртасидаги фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш, бир томон фуқароларини бошқа томон ҳудудиде унинг фуқаролари билан бир хилдаги ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши, фуқаролик ва иқтисодий масалаларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ушбу томон фуқаролари учун белгиланган шартларда мурожаат қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш назарда тутилмокда.

Лойиҳа депутатлар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Мажлиса “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси билан шахсни профилактик ҳисобга олиш асослари ва тартиби замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилмокда.

Айтиб ўтиш лозимки, мазкур қонун лойиҳаси бир кун аввал бўлиб ўтган фракцияларнинг йиғилишларида ҳам узоқ муҳокама қилинган эди. Бу ялпи

йиғилишда ҳам давом этди.

Суд томонидан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан махрум этилган фуқароларни профилактик ҳисобга олиш амалиётини жорий этиш ҳақидаги меъёр кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Кўплаб депутатлар бу масалада ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Жумладан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шокиржон Аҳмедов куйидаги фикрларни келтириб ўтди:

– Биламизки, бугунги кунда жамиятимизда автомобил бошқараётган аёлларнинг ҳам улushi ортиб бормокда. Одатда бундай қоидабузарлик беихтиёр содир этилади. Энди тасаввур қилайлик, бир аёл транспортни бошқариш ҳуқуқидан махрум этилди. Унинг яна профилактик назоратга олиниши ортиқча босимни келтириб чиқариб, оилавий низоларни кўпайтиради, деган фикрдаман. Шунинг учун мазкур бандни олиб ташлаш тарафдориман ва бошқа депутатларни ҳам шунга чақираман.

Депутат Анвархон Темиров ЎзХДП фракциясининг позициясини билдирди.

– Бу қонун биринчи ўқишда олиб кирилганда унга инсонни улуғлаш тамойили асос қилиб олиниб, шу билан бирга профилактика инспекторларининг юкчасини камайтириш мақсад қилинган эди. Лекин иккинчи ўқишга тайёрланган вариантда профилактика инспекторларига яна юкча бериш назарда тутилмокда. Бир нарсани унутмайлик, бизнинг одамлар учун профилактика инспекторининг

рўйхатида бўлишнинг ўзи ноқулайлик келтириб чиқаради. Кимнингдир уйига профилактика инспектори “сен уйингдამисан”, деб келиши эса маҳалла кўй учун ачинарли ҳолатдай қабул қилинади. Шунинг учун лойиҳани масъул қўмитага қайтариб, қайтадан тахрир қилишни таклиф қиламиз.

Бир қарашда вазият боши берк кўчага кириб қолгандек кўринди. Аммо унутмайлик, парламент ўта долзарб ва оғриқли масалаларга ҳам энг мақбул ечим топиладиган маскан. Сабаби, у ерда фикрлар хилма-хиллиги ҳукмрон. Билдирилган ҳамма фикрлар ўртада муҳокама қилинади ва тўхтама келинади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Қўмита мазкур бандни қайта тахрирдан ўтказиш учун куннинг иккинчи қисмигача вақт сўради.

Куннинг иккинчи қисми шу масала муҳокамаси билан бошланди. Киритилган тузатишга кўра, фақатгина маст ҳолда автомобил бошқарган ёки йўл безорилиги оқибатида суд ҳукми билан транспорти воситасини бошқариш ҳуқуқидан махрум этилган фуқаролар профилактик назоратга олиниши кўзда тутилди.

Шу тариқа узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг лойиҳа қабул қилинди.

Кун тартибидеги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципига амал қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун

лойиҳаси ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, бир кун олдинги фракция йиғилишида депутатларимиз қайта ишлаш шарти билан лойиҳани қўллаб-қувватлаган эди.

Маърузачи лойиҳани таништириб бўлгач, навбат муҳокамаларга ўтди. Биринчи бўлиб сўз олган ЎзХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов куйидаги фикрни билдирди.

– Агар эътибор берсак, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад ҳуқуқий таъсир чораларини кўришда Конституциядаги мутаносиблик принципига амал қилиш ҳисобланади. Лекин бирорта моддада белгиланган жарималар миқдори камайтирилмаган. Ваҳоланки, қайсидир моддалар аҳамиятини йўқотгани учун чиқариб ташланаяпти ёки яна бошқалари мувофиқлаштирилмокда. Қолаверса, қонун лойиҳасининг номи ҳам матнига мос эмас. Ўзи мутаносиблик ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, бу қилмишга яраша жазо бериш ёки ижтимоий хавфли қилмишга бериладиган жазо қай даражада тўғри, деган саволларга жавоб бўлиши керак. Фракциямиз биринчи ўқишда ҳам бу масалани қўйган эди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси бу масала электоратимиз манфаатларига бевоСИта алоқадор бўлгани учун ҳам қонун лойиҳасини масъул қўмитага қайтариш таклифини илгари суради.

Лойиҳага овоз бериш жараёнида фракциямизнинг аксарият аъзолари қарши позициясида қолди. Аммо умумий натижаларга кўра, лойиҳа қабул қилинди.

Ялпи мажлисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда ЎзХДП фракцияси аъзолари Қизилгул Қосимова ва Дилбар Мамаджанова маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш фақат жабрланувчининг аризаси асосида бошланиши, акс ҳолда, иш юритиш истисно қилиниши ҳақидаги қўшимча жазонинг муқаррарлиги тамойилига мос эмаслигини билдирди. Хусусан, бундай ўзгариш жабрланувчининг ариза билан мурожаат қилиш имконияти бўлмаган ҳолатларда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаат қилиш имкониятини чеклаб қўйиши мумкинлиги қайд этилиб, фракциямизнинг тегишли таклифи берилди.

Мажлисида фракциямиз таклифи қўллаб-қувватланган ҳолда, тегишли қарор қабул қилинди.

Шундай қилиб, қизғин муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қатъий позицияларини билдирди.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” мухбири**

## МУНОСАБАТ



**1889 йилда Франциянинг Париж шаҳрида дунёдаги биринчи кўп томонлама сиёсий ташкилот сифатида тузилган Парламентлараро иттифокнинг 150 йиллик юбилейи Ассамблеясига Тошкент шаҳри мезбонлик қилди. Ҳа, бу чиндан ҳам муҳим тарихий воқелик бўлиб, бундай тадбир Марказий Осиё минтақасида илк маротаба ўтказилди.**

Маълумки, 190 га яқин мамлакатлар парламентини бирлаштирган Парламентлараро иттифок Ассамблеяси йилда 2 маротаба, парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина ўтказилади.

Ўзбекистоннинг Парламентлараро иттифокқа аъзолиги 2017 йилда қайта тикланди ва бугунги кунда ушбу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида барча тузилма ва форумлари ишида фаол иштирок

# ПАРИЖДАН - ТОШКЕНТГА

этиб келмокда. Глобал кун тартибидеги устувор йўналишлар бўйича сермахсул амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Эътибор қаратилса, кейинги тўрт йилда парламент фаолияти билан боғлиқ учинчи халқаро тадбирга мамлакатимиз мезбонлик қилди. Дастлаб 2021 йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик халқаро форуми ўтказилган бўлса, 2022 йил 8-9 сентябрь кунлари Парламентлараро иттифокқа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити Тошкент шаҳрида ташкил қилинди

Мазкур 150-Ассамблеянинг асосий мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланиб, унинг доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Парламент халқ вакиллиги экан, демак, парламентлараро ҳамкорлик – бу халқлар, миллатлар бирдамлигидир.

Мамлакатимизда ҳам кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шариотлар яратилган. Айни пайтда миллий парламентимиз 100 га яқин хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқалар ўрнатган. 80 та қўшма дўстлик гуруҳлари ва комиссиялари самарали ишлаяпти.

Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат

ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Айниқса, 2023 йили умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги Конституцияда парламент ваколатлари кескин оширилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Суд, коррупцияга қарши кураш ва рақобат органларини шакллантириш бўйича Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилди.

Бу ўзгаришларга мос тарзда ҳудудларимизда ҳам халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ваколатлари

учун кучли платформага айланди ҳамда гендер тенглиги ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтиришда сезиларли ютуқларга эришди.

Хусусан, олиб борилган изчил ислохотлар натижасида миллий парламентиимизда ҳам хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди (10 йил олдин атиги 16 фоизни ташкил этар эди). Мазкур кўрсаткич Парламентлараро иттифок томонидан Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳоланди.

Бугун жаҳон майдониде юз бераётган глобал ўзгаришлар Парламентлараро иттифок ва миллий парламентлар олдиға янгиқдан-янги вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз нуфузли ташкилотнинг 150-Ассамблеясида нутқ сўзлар экан, замон



гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясини қўллаб-қувватлаш ташаббуслари ўта долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий тараққиёт ва адолат масаласига алоҳида эътибор қаратиб, жаҳондаги тенгсизлик, қашшоқлик ва таълим олиш имкониятидан махрум бўлган болалар муаммоларини ҳам кўтарди. Президентимиз нутқида тинчликка ва тараққиётга интилиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган истак яққол сезилиб турди.

Ер юзидеги ҳозирги мураккаб вазият, тинчликни сақлаш, экологик барқарорликни, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентларнинг ролини янада ошириш дунё ҳамжамияти учун ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолмокда.

**Шерали МАМАДЕЦОЕВ,**  
**ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши раиси.**

► **МАЗКУР ТАДБИРНИНГ ЯНА БИР АҲАМИЯТИ ШУНДАКИ, ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН 150- АССАМБЛЕЯДА ПАРЛАМЕНТАРИЙ АЁЛЛАР ФОРУМИ ЎЗИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ.**



САЙЛОВЧИ МАНФААТИ

ДЕПУТАТ СЎРОВИ  
ХАЛҚ СЎРОВИДИР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Келинг, фикримизни рақамлар кесимида кўриб чиқамиз. ЎзХДП Марказий Кенгаши маълумотларига қараганда, ўтган йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган депутатлик сўровларининг деярли 90 фоизи ижобий ҳал этилган. Бундан ташқари, 526 маратоба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилди.

Қуйидаги мисоллар бу фикримизга қисман жавоб бўла олади.

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ  
ТОПМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Зокиржон Зоҳидов Фарғона вилоятининг Риштон туманида сайловчилар билан учрашувлар ўтказганида таълим масаласида мурожаатлар тушган эди.


Хусусан, ҳудуд жамоатчилиги вакиллари Риштон туман 1-сонли политехникуми «Мақтабгача таълим ташкилоти тарбиячиси» бўйича янги йўналишга 120 нафардан зиёд фуқаролар билан дуал таълим шаклида шартномалар тузилгани, қўшни Бағдод ва Олтиариқ туманларидан ҳам фуқаролар мазкур йўналиш бўйича таълим олиш истагини билдираётгани маълум қилинди. Ўрганиш давомида келгусида политехникумда яна 150 нафар фуқаро билан шартномалар тузиш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Шуларни инобатга олиб, депутат политехникумда ушбу таълим йўналиши очилишида амалий ёрдам беришни сўраб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазيري К.Шариповга сўров юборганди.

Сўровга келган жавобда “Мақтабгача таълим ташкилоти тарбиячиси” мутахассислиги бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан дуал таълим шаклида ўқишни ташкил қилиш юзасидан тузилган шартномалар, касбий таълим ташкилотининг моддий техник ва ўқув методик базаси мавжуд бўлганда политехникумга вазирлик томонидан рухсат берилиши маълум қилинган.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА КАНДАЙ  
ЖАВОБ БЎЛДИ?

Денов тумани “Сина” кишлоғида яшовчи аҳолидан бир неча марта мурожаат бўлган. Гап шундаки, мазкур кишлоқни туман маркази билан боғловчи маҳаллий аҳамиятдаги




автомобиль йўлида муаммолар кўпайган. Жумладан, мурожаатларда бугунги кунда 75V-008 “Денов-Сина-Вахшивор” автомобиль йўли 0-28 километрининг аксарият қисми таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, асфальт қопламалар ўз муддатини ўтаб бўлгани баён қилинган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов мазкур масала юзасидан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси раиси Ж.Турсуновга депутат сўрови юборган.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги “2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-4667-сон қарорига асосан мазкур йўлнинг 3 км қисмини мукаммал таъмирлаш ҳамда 2 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, шу кунга қадар якунига етказилмаган”, дейилади депутатнинг сўровида.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси раисига юборилган сўровга келган жавобга кўра, бугунги кунга қадар “Автойўлсаноат инвест” МЧЖ томонидан жами объекта 11,5 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Мазкур объект 2025 йилги умумий



фойдаланишдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш дастури лойиҳасига кирилгани, 2025 йилга 5,4 млрд сўм маблағ ажратилиб, объект тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилгани қайд этилган.

Бундан ташқари, 75V008 “Денов ш. - Сина қ. - Вахшивор қ.” автомобиль йўлининг транспорт воситалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудга ажратилган маблағ доирасида таъмирлаш ишлари амалга оширилиши маълум қилинган.

ПЕДАГОГЛАР ЕТИШМАСЛИГИ  
ҚАЧОН ҲАЛ БЎЛАДИ?

Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари мактабларда чет тиллар, IT дарслар учун ажратилган дарс оатлар ҳолати ва малакали педагоглар билан таъминланганлик масаласини саволнома асосида ўрганди.

Авалло, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилган. Шу билан бирга, баъзи туманлардаги мактабларда интерактив доскалар, компьютер жиҳозлари, аудио кўргазмали жиҳозлар, чет тили фанидан лўғат китоблар, тинггофон ва смартфонлар етишмаслиги маълум бўлган. Ўрганиш натижасида Қизирқ туманида 6 та мактабда IT фанидан ўқитувчи, Қумқўрғон туманидаги 8 та мактабда, Олтинсой туманидаги 7 та мактабда, Узун туманидаги 11 та мактабда, Қизирқ туманидаги 10 та мактабда, Жарқўрғон туманидаги 5 та умумтаълим мактабларида инглиз тили фанидан ўқитувчи

этирозли муҳокамаларга сабаб бўлди. Фуқаролар йўлдан ҳаракатланиш қийинчилик туғдираётгани, қаттиқ чанг-тўзон кўтарилаётганидан норози бўлиб, шу билан бирга, «Обод маҳалла» дастурига кўра йўлни таъмирлашга ажратилган маблағлар мақсадсиз ишлатилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида этирозлар билдирмоқда.

Хоразм вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи раҳбари Раҳимберган Юсупов ички йўл билан боғлиқ ҳолат бўйича асослантирилган тушунтириш беришни сўраб, Хонқа туман ҳокими У.Ж. Давлатовга депутатлик сўрови юборди.

Унда, жумладан, «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури доирасида туманда йўлларни таъмирлаш бўйича олиб борилган ишлар ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш ҳам сўралган.

КОСОНСОЙДАГИ БОЛАЛАР  
ПОЛИКЛИНИКАСИ  
ТАЪМИРЛАНАДИ

Депутатларимиз муаммоларга ечим излаб, вазирлик ва идораларни жуда кўп “безовта” қилишади. Аммо баъзи сўровларда кўтарилган масалаларнинг ечими вақт ҳамда маблағ билан боғлиқ. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП депутати Анвархон Темиров соғлиқни сақлаш вазирига муҳим бир масалада депутатлик сўрови жўнатди.

Унинг айтишича, Косонсой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиниканинг туман марказида қўшимча 2-биноси мавжуд эди. У болалар поликлиникаси сифатида 20723 нафар болаларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бино 1978 йилда қурилган ҳамда кўп йиллар эътибордан четда қолганлиги сабабли бионинг ҳолати анча носоз ҳолатга келиб қолганди.

Ушбу бионинг ертўла қисми, муфел печлари, эшик ва ромлари эскиргани, шунингдек, бино ичидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ҳамда қишда кўмир ёқилгиси олиб кириш учун йўл мавжуд эмаслиги сайловчиларнинг этирозига сабаб бўлаётганди.

Шунингдек, поликлиниканинг моддий-техник базаси ўрганилганда янги мебеллар, тиббий жиҳозларга эҳтиёжлар борлиги маълум бўлди. Ушбу эҳтиёжларни ҳисобга олиб мутасадди вазирликка депутатлик сўрови жўнатилди.

Қонунда кўрсатилган тартибда вазирликдан жавоб олинди ва яқин кунларда масала ҳал бўлиш арафасида. Бу депутатнинг қатъий назоратида турибди.

\*\*\*

Унутмаслигимиз керакки, бутун дунёда депутатлик институти феноменал институт сифатида шаклланган ва такомиллашишда давом этмоқда. Шу маънода депутат халқ ижтимоий-сиёсий турмушини акс эттирувчи муҳим фигура саналади.

Яна бир масала эса депутат сўровига жавоб бермаслик билан боғлиқдир. Депутат сўровига белгиланган муддатларда ёзма равишда жавоб берилиши ва у кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланиши шартлиги қонунчиликда белгиланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан депутат сўрови билан ишлаш тартиби қайта такомиллаштирилиб, тасдиқланган ва барча давлат идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимиятларга юборилган. Унда агар айрим мансабдор шахслар депутат сўровига жавоб юборилаётган санада иш жойида бўлмаса, (беморлиги, хизмат сафариди), мансабдор шахсининг иш жойида бўлмагани ва унинг ўрнига ўринбосар имзолаганига изоҳ берилиши белгиланган.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига кўра, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш – мансабдор шахсларга БҲМнинг 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида кўпгина депутатлар, партия фаоллари билан боғландик. Сўровга масъулларнинг муносабати билан қизиқдик. Мутасаддилар камдан-кам ҳолатда депутат ёки унинг қонуний талабларини эътиборсиз қолдиради. Бироқ депутатлик сўровлари сон ва сифат жиҳатдан кўп эмас.

Авалло депутат ўзини ҳурмат қилиш лозим. Яна ҳам аниқроқ айтиладиган бўлсак, халқ вакили ўз ваколатларини яхши билибгина қолмай, улардан тўғри, ўз ўрнида ва виждонан фойдалана олиши зарур. Шунда депутатнинг сўзи ҳам, сўрови ҳам кучли бўлади.

Лазиза ШЕРОВА,  
“Ўзбекистон овози” мухбири.



Маҳаллий  
Кенгашларда

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ  
ДЕПУТАТ ЭЪТИБОРИДА

Хонқа тумани «Дургадик» маҳалласида Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Р.Юсупов, Хонқа туман ҳокими У.Давлатов, туман ҳокимининг тегишли соҳалар бўйича ўринбосарлари, маҳалла еттилиги, халқ депутатлари туман Кенгаши котибият мудир, ушбу округдан сайланган депутат, маҳалла фаоллари билан биргаликда фуқароларни қабул қилишди.

Фуқаролар маҳалла ҳудудидан ўтувчи йўл таъмирталаб аҳволга келиб қолганини маълум қилди. Уларнинг сўзларига кўра, ушбу йўлда чанг-тўзон кўтарилиши натижасида ҳаракатланишда муаммолар келиб чиқмоқда.

Аниқланган муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида маҳалла ҳудудидаги 4 километр ички йўлни асфальт қилиш ёки бетон ётқизиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар туман ҳокими ва депутатлар томонидан назоратга олинди.

Назокат МАШАРИПОВА,  
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят  
кенгаши ходими.

ПАРТИЯГА ЯНГИ АЪЗОЛАР



Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан “Йилнинг энг яхши БПТ етакчиси” қўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шахар ва туманлардан келган қўйи бўғин етакчилари ўз билимлари, сиёсий кўникмалари ва ташкилотчилик қobiliятларини намойиш этишди.

Тадбирнинг асосий мақсади партиянинг бошланғич ташкилотларида фаолият юритаётган етакчиларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижодий ёндашувларни рағбатлантириш ҳамда келажакдаги фаолияти учун янги имкониятлар яратишдан иборат.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга Марғилон шаҳри вакили Диёра Якубова муносиб топилди.

Тадбир дўстона ва самимий муҳитда ўтди. Барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Қўриқ-танлов сўнггида партияга янги аъзолар қабул қилинди.

ИМКОНИЯТИ ЧЕКСИЗ  
АЁЛЛАР

Ўзбекистон ХДП Вобкент туман кенгаши томонидан “Имконияти чексиз аёллар” мавзусида тадбири ўтказилди. Унда имконияти чекланган бўлса-да, ҳаётга фаол муносабатда бўлиб, меҳнат қилиш орқали ўзининг ҳам, жамиятнинг ҳам манфаатларига хизмат қилаётган аёллар фаолияти намуна сифатида кўрсатилди.

Тадбирда туман партия Кенгаши раиси М.Хайруллаев иштирок этди ва жамиятда ўрнат қўрсатаётган аёллар фаолияти алоҳида эътироф этилди.

Боқувчисини йўқотган, 2-гуруҳ ногирони Каландарова Гулзода партиянинг қўллаб-қувватлови ва субсидия асосида олинган тикув машинаси орқали ўз хонадонида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. У нафақат иш билан банд, балки маҳалладаги ёшларга касб ўргатиш орқали уларнинг келажакига ҳам хисса қўймоқда.

Г.Каландарованинг сўай-ҳаракатлари муносиб баҳоланиб, ташаккурнома билан тақдирланди.

“ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА”

Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлари, туман Кенгаши котибияти мудир Ф.Баҳодиров ва Ш.Абдуллажанов томонидан “Бештол” маҳалласида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Дастлаб маҳалла еттилиги фаолияти билан танишишди. Фуқаролар билан суҳбатлашиб, мурожаатлари тингланди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди, хонадонларнинг томорқасидан самарали фойдаланиши бўйича ишларни тизимли ташкил этиш вазифалари белгиланди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши  
Ахборот хизмати.



# Сайловчилар билан учрашувлардан кейинги ўйлар

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бироқ, бугунги сайловчилар фақат муаммоларни кўрадиган, ҳар ишдан камчилик излайдиган, кундалик маиший масалалар гирдобиди қолиб, жамиятдаги ўзгаришлардан беҳабар шахслар ҳам эмас. Бўлса ҳам бундайлар жуда камчиликни ташкил этади. Аксинча, улар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишларни тан олади, эътироф этади. Юртимиздаги ислохотлар ҳақида сўз юритилганида кўзлари ёниб, маъқуллаб тинглайди.

Бундай ҳолатни мен айниқса Қорақалпоғистонда кузатаман. Ҳоҳлаган туманга борсангиз, Мўйноқми ё Бўзотов, Тахтақўпир ёки Чимбой барчасида одамларнинг кўзиди ўзининг ҳаётидан розиликни кўрасиз. Ислохотлар, Президентимиз томонидан айнан Қорақалпоғистон учун қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижроси ўз натижасини яққол кўрсатиб турганидан кейин бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Қисқа муддатда бу ерда амалга оширилган асрга татиғулик ишлар, ишга туширилган йирик лойиҳалар, уларда қанча – қанча одамларнинг ишли бўлиб оиласи, фарзандларнинг келажғи учун даромад топаётгани, ҳар йили 10 минг нафар ёшларнинг олий таълим муассасаларига қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилинаётгани, обод бўлган маҳаллалар, овуллар ва кўчалар. Буларнинг барчаси одамлар кайфиятига фақат ижобий таъсир қилади, албатта. Умуман, Қорақалпоғистондаги ўзгаришлар ҳақида китоблар ёзиш мумкин.

## ЮРТИМИЗДА ДУНЁ ЖАМ БЎЛГАНИДА...

Бугун дунёдан беҳабар одамнинг ўзи бўлмаса керак. Юртимиздаги воқеа-ҳодисалардан тоғу-адримиздаги ҳам, чўлу-сахромиздаги ҳам марказда яшаётганлар билан бир вақтда хабар топади. Қолаверса, фуқароларимизнинг нафақат мамлакатдаги ислохотлар балки, дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, қўшни давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларига ҳам қизиқиши катта. Шу боисдан-да Ўзбекистонда дунё жам бўлгани нафақат Самарқанд ёки Тошкент балки, энг олис овул ва қишлоқларимизда фахр – ифтихорга тўла акс-садо берди.



Биз сайловчилар билан учрашувлар ўтказётган кунлар атрофида Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳаёти жуда катта тарихий воқеаларга бой бўлди. Хўжанд саммити, Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, Халқаро иқлим форуми, Нукусда биринчи Орол маданият саммити, Парламентлараро иттифокнинг 150-Ассамблеяси. Одамлар орасида юриб шунга гувоҳ бўлдики, бу тадбирларни нафақат сиёсатчилар, парламент аъзолари, депутатлар балки кенг жамоатчилик, олис маҳалла ва овулларда яшаётган фуқаролар, ўқитувчию- тиббиёт ходими, фермеру- деҳқон, маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар, нурунийлар, ёшлар диққат- эътибор билан кузатди.

Кимдир, Хўжанд саммитида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара билан боғлиқ асрий масала тўла-тўқис ҳал этилганидан хурсад бўлса, кимдир, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити якунлари бўйича Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида тарихий қарор қабул қилинганини айтади. Самарқанд халқаро иқлим форуми ва унинг доирасида Нукусда илк бор ўтказилган Орол маданият саммити эса бутун қорақалпоғистонликларнинг кўнглини тоғдай кўтарди.

Зеро, мазкур саммит санъат, маданият, дизайн ва илм-фан орқали мулоқот ва ҳаракатни ривожлантиришга қаратилди.



Орол маданият саммити Орол денгизи инқироzi ва глобал иқлим муаммоларини ҳал қилишнинг барқарор ечимларини ўрганиш ва амалга ошириш мақсадида етакчи маданият арбоблари, сиёсатчилар, рассомлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги экспертларни бирлаштирди.

## ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН БОШЛАНАДИ.

Ота уйга нега талпинамиз? Ўзимиз туғилиб ўсган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки овулга меҳримиз бўлакча. Чунки, унда туғилдик, камолга келдик, ўсиб-ўлғайдик, бошқача айтганда, инсон деган мақомга эга бўлдик. Шунини оқлагимиз келади. Худди шундай, сайлов округи деб аталувчи ҳудуд ва сайловчи деб аталувчи одамлар эса бизга ишоч билдириб, депутат деган мақомни берди. Буни ҳам оқлашимиз керак. Сайлов округимизга ҳам талпинишимиз, меҳр беришимиз, нафақат фаолиятимиз балки, ўй-хаёлимизда уларнинг манфаатига дахлдор масалалар доим туриши лозим.

Меҳр кўзда, дейди халқимиз. Биз маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайланган округимиз ҳудудида сайловчилар билан учрашувлар ва юзма-юз мулоқотлар ўтказар эканмиз, уларнинг ҳар бирини янада яқинроқ таниймиз, муаммоларини ўрганамиз ҳамда ечимини кутаётган масалаларни аниқлаб, ҳал этиш бўйича масъул ижро органларига таклифлар киритамиз.

## СЎРОВ ВА НАТИЖА

Қонунчилигимизга кўра, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир. Бу депутатлик фаолиятимизни тўлақонли амалга оширишдаги энг самарали институт бўлиб келмоқда. Кўп масалалар депутат сўрови орқали ҳал этилаётганини инобатга олсак, бунга яна бир бора иқдор бўламиз.

Бундан икки йил муқаддам Тўрткўл тумани Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асия Назарова ва маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳудуддаги 7-сонли боғча ҳолатини ўрганган эдик. 1961 йилда қурилган мазкур боғча мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган, шундай бўлса ҳам муассасада болалар тарбияланаётганди. Биз борганимиздан хабар топган ота-оналар ҳам йиғилиб, ўз хавотирларини билдиришган ва янги боғча қурилишида ёрдам сўраб мурожаат қилишган эди. Мазкур масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирига депутат сўрови юборилди. Ўшанда қоникарсиз жавоб олинган бўлса-да, сайловчилар учрашувларда ҳам, кўнғирок қилиб ҳам масалани қайта-қайта кўтараверишди. Ва ниҳоят икки йилдан буён берилиб келинаётган таклиф инобатга олиниб Тўрткўл тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 сентябрдаги қарорига асосан боғча қурилиши инвестиция дастурига киритилди ва Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги давлат активларидан самарали фойдаланишни ташкиллаштириш маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасининг қарори, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг хулосаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2025 йил 28 январдаги буйруғига асосан, яроқсиз бино бузилиб, 120 ўринли замонавий боғча қуриш учун жой тайёрланди. Яқин кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ягона буюртмачи инженеринг компанияси томонидан дастурга киритилган объектлар бўйича тендер ўтказилади ва ғолиб бўлган қурилиш ташкилоти томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилади.

Шу йилнинг январь ойида Тўркўл тумани Наврўз маҳалласи аҳолиси билан учрашувимизда ҳам ҳудуд аҳолиси боғча ёшидаги болалар сони ўсиб бораётгани, янги боғчага эҳтиёж ва бўш жой ҳам борлигини айтиб мурожаат қилишган эди. Мазкур масала бўйича ҳам Мактабгача ва мактаб таълими вазирига сўров юборилиб, мазкур маҳаллада 120 ўринга мўлжалланган замонавий мактабгача таълим ташкилоти қурилиши 2026 йилнинг давлат дастурига киритилиши билдирилган жавоб олинди. Албатта, сайловчиларнинг мурожаатлари ҳал этилаётгани, фикрлари шу тарзда инобатга олинаётгани, тегишли давлат дастурларига киритилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг, инсон қадрини ўрнатган тамойилнинг амалий ифодасидир.

## МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЙЎҚ ЭМАС

Республикада чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислох қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқиш соҳасига тадбиркорлик

субъектларини фаол жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, соҳада жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда, дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муқаддимасида. Ана шундай муаммолардан бири Тўрткўл тумани Ёшлик маҳалласидаги сайловчиларимиз билан учрашувда кўтарилди. Хусусан, фуқаролар чиқиндилар “Тоза ҳудуд” кластер МЧЖ томонидан ўз вақтида олиб кетилмаётгани, бир неча кунлаб кўча бўйларида йиғилиб қолиши натижасида атроф-муҳит тозаллиги ва ҳавосини бузаётганидан шикоят қилишди.

Шу кунини Тўрткўл тумани “Тоза ҳудуд” кластер МЧЖ раҳбари Маматсолий Машарипов ва маҳалла раиси Сейтмурат Меретов билан биргаликда бу ҳолатларнинг сабабларини ўргандик. М. Машариповнинг таъкидлашича, бугунги кунда мавжуд бўлган 28 та махсус техникаларнинг 16 таси ишлаяпти, қолганлари носоз ҳолатда. Ишчи кучи етишмайди. Шунингдек, Тўрткўл ва Ёшликқўла туманлари аҳолисининг умумий қарздорлиги 2500 миллиард сўм атрофида. Бундан ташқари, Тўрткўл тумани чиқинди полигонини ёпилгани сабаб, чиқиндиларни деярли 40 километр олисдаги полигонга ташлаб келиш учун ортиқча вақт ва маблағ сарф бўлмоқда.

Аммо истеъмолчи ҳақ. Биз кўчама-кўча маҳаллани айланар эканмиз, фуқароларнинг эътирозлари ўринли эканига гувоҳ бўлдик. Икки кун давомида мавжуд техника ва ишчи кучидан фойдаланган ҳолда “Тоза ҳудуд” томонидан маҳалланинг аксарият кўчалари чиқиндилардан тозаланди. Тўғри, бу иш муаммони тўлиқ ҳал қилмайди. Юқорида келтирилган Президентимиз фармонининг амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши эса, муаммога аниқ ечим бўла олади. Зеро, унда аҳолининг маиший чиқиндилар билан боғлиқ хизматлар сифатидан тўлиқ қониқшини таъминлаш, ушбу хизматлар даражасини халқаро стандартларга етказиш ва тадбиркорлар учун жозибадорлигини таъминлаш, ҳосил бўлаётган чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини кескин ошириш, чиқиндиларнинг полигонларда тўпланишининг олдини олиш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирни минималлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбир белгиланган.

\* \* \*

Сайловчилар билан учрашувлар давомида кўтарилган муаммолардан кўриниб турибдики, туманда ички йўллар, ичимлик ва оқава сув ҳамда бошқа ижтимоий масалаларда қилинадиган ишлар кўп. Бугун муаммоларнинг ечими ҳам йўқ эмас. Масала ўша ечимгача етиб боришда. Яна бир гап, муаммонинг илдизи кўпорилмаса, у бир кунини яна куртак очиб, барг ёзаверади.

Мақола муқаддимасида бугунги сайловчи ким? деган саволни ўртага ташлаган эдик. Юқоридагилардан аёнки, бугунги сайловчи нафақат сайлов кунини овоз берадиган, балки ўзининг ҳуқуқлари, депутатнинг ваколатларини яхши биладиган, унинг фаолиятини беш йил давомида кузатиб борадиган, керак бўлса баҳо берадиган онг-тафаккурга эга шахсдир. Энг муҳими, у – ўз тақдири, жамият ва давлат келажғини белгилашда ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Бундай сайловчининг ишончини қозониш учун депутатлик фаолиятга виждонан, жуда катта масъулият, билим ва шижоат билан ёндашув талаб этилади.

**Назира МАТЯҚУБОВА,**  
**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Жўқорғи Кенгеси депутати.**





**Қашқадарё она-диёримизнинг жанубидаги муаззам вилоят. Унинг бағри одамларнинг феълидай кенг, замини саховатли. Бугун Қашқадарёда партиямизнинг 92 нафар депутати бор. Партиямиз аъзолари 67236 нафар бўлиб, бошланғич партия ташкилотлари сони 723 тани ташкил этади. Агар биз уларнинг имкониятларидан унумли фойдалана олсак, ютуқ ва муваффақиятларимиз анча салмоқли бўлиши шубҳасиз.**

Сўзимизни бежиз ушбу маълумотлар билан бошламадик. Чунки маҳаллий Кенгашлар учун ажратилган саҳифамизнинг бу галги меҳмони ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов бўлди. Улардан айрим саволларимизга шахсий қараши ва кузатувларидан келиб чиқиб, жавоб кутдик.

— **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?**

– Ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, кейинги вақтларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлади. Бу давлат бошқарувини куйи бўғинга тушириш, уларни аҳолига яқинлаштиришга хизмат қилляпти. Шундан келиб чиқиб, партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларни ташвишга солаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига кўмаклашиш билан бирга қатъий ва изчил депутатлик назоратини олиб бориш, муҳожаатлар билан ишлашга жиддий эътибор беришмоқда. Сиёсий ташкилот сифатидаги фаолиятимизни баҳоласак, ишонч билан айта оламанки, натижаларимиз яхши. Бунинг асосий сабаби эса сиёсий партиялар ҳамда депутатларга берилаётган эътибор, уларнинг мақоми ва ваколатлари ошаётганида, деб биламан.

Ишонч билан айта оламанки, вилоятимизда партиямизнинг ўз ўрни бор. Кўзга кўринарли муҳим ташаббусларга тўхталадиган бўлсам, биз бир қатор лойиҳаларимиз билан маҳаллаларга, сайловчилар орасига кириб борапмиз, улар билан елкама-елка туряпмиз. Вилоят партия кенгаши ташаббуси билан “Кувонч ва меҳр улашайлик” акцияси доирасида ташкил этилган тадбирларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, маҳалла ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, “Мурувват уй”ларида яшовчи 250 нафар фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, ҳайрия ёрдамлари кўрсатилди. “Саломатлик акцияси” доирасида туман ва шаҳарларда партия фаоллари ва ҳамкорлар иштирокида 10 дан ортик бепул тиббий кўриклар ташкил этилиб, унда 350 дан ортик маҳаллалардаги хотин-қизлар ва уларнинг болалари тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўриклар давомида 25 нафар хотин-қизларга касалликларига қараб даволанишлари учун тиббий йўлланмалар берилган бўлса, 6 нафарига ордерлар олишда кўмак берилган.

“Депутат маҳаллада” лойиҳаси доирасида 50 ортик тадбирлар ўтказилиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ҳудудларида сайловчилар муаммоларини ўрганишиди, депутатлик сўровлари чиқариб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Бу ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Вилоятимизда партиянинг 723 бошланғич партия ташкилоти бор. Биз улар билан фаол алоқа қиламиз, улар бизнинг жойлардаги кучимиздир.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз катта куч ва

салоҳиятга эга. Доимий комиссиялар, ҳокимлик ва ижроия органлар олдида ўз сўзига ва мустаҳкам позициясига эга. Бирорта сессия йўқки, унда партия гуруҳи томонидан долзарб масалалар киритилмаган бўлса. Айни пайтда, депутатларимиз маҳаллий Кенгашларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва кам таъминланган қатламларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда. Албатта, бу ташаббуслар партия ташкилотларининг жойлардаги фаолияти ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги асосида амалга оширилмоқда.

Ўтган йилги сайловларда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 92 нафар вакилимиз депутатликка сайланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳи томонидан 2024 йилда 8 та масала ҳамда 2025 йилнинг биринчи чорагида 4 та масала сессияларга киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, халқни ташвишга солаётган муаммоларни турли даражадаги раҳбарларга олиб чиқиш, уларнинг ҳисоботини тинглаш механизмидан самарали фойдаланяпмиз.

Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг вилоятдаги ижроси тўғрисида Марказий банк Қашқадарё вилоят бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи чорагида Президентнинг 2021 йил 19 июлдаги “Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг вилоятда бажарилиши бўйича вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тингланди.

2025 йилнинг март ойида партия гуруҳимиз ташаббуси билан вилоятда Президентнинг “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғи Т.Расулов ҳамда вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи У.Ориповнинг ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Биз мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан ечимини кутаётган муаммоларни очик-ойдин таҳлил қилдик. Уларнинг ҳисоботини депутатлик назорати орқали маълум бўлган рақам ва фактлар билан солиштирдик, тақлифларимизни айтдик.

Муҳими, бу орқали одамларни қийнаб келаётган қанчадан-қанча масалалар ечим топадиган бўлди. Албатта, бунга эришиш бу йўлдаги илк натижа бўлса, унинг ижросини таъминлаш муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо бу — соҳада барча ишлар рисоладагидек дегани эмас. Чунки электротариф манфаатлари ўрганишиди, депутатлик сўровлари чиқариб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Бу ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Вилоятимизда партиянинг 723 бошланғич партия ташкилоти бор. Биз улар билан фаол алоқа қиламиз, улар бизнинг жойлардаги кучимиздир.

— **Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар**

## СУҲБАТ

# ОЛИМ РАВШАНОВ: ВИЛОЯТДА ПАРТИЯМИЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР...



**Сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?**

– Тўғрисини айтсам, яхши ташаббуслар ҳам, ечилмай қолаётган муаммолар ҳам бор. Ҳозир барчамиздан фаол ташаббускор ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этиш талаб қилинмоқда. Бизлар асосан туманлар ва шаҳарлар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда партиямиздан сайланган депутатлар, шунингдек, партия аъзоларимиз билан яқиндан алоқа олиб боришимиз керак. 723 та бошланғич партия ташкилотлари фаолияти талаблар даражасига олиб чиқилди.

Юқорида маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашганини таъкидладим. Очиғи, маҳаллий партия Кенгашлари фаол бўлмаган депутатларимизни анча “сергаклаштирмоқда” ҳам. Чунки, бугун партия кенгашлари олдига ҳам зарур талаблар қўйилмоқда.



Улар партия гуруҳлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни олиб бормоқда. Сессиялар анча мунозарали, савол-жавоб ва қизғин кечади. Яхши тақлифлар ва фикрлар ҳам пайдо бўляпти. Аммо фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади.

Агар маҳаллий Кенгаш йиғилишлари ва сессияларида очкиклик, шаффофлик ва сиёсий фаоллиқни кучайтиришни истасак, албатта бу жараёнлар онлайн режимда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кўрсатилиши лозим. Баҳонада кўпчилик раҳбарларимиз ва халқ вакилларимизнинг сиёсий савия ва сиёсий билим даражалари ойдинлашарди.

Яна бир гап. Авваллари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига бир ёқлама ёндашилган. Хом ашё базаси етарли, демак, ўша ҳудуд яхши, деб баҳоланаверган. Ишлаб чиқариш жойлаштирилганда ҳам инфратузилма қулайлиги биринчи ўринда турган. Натижада олис кишлоқлар эътибордан четда қолиб кетган. Ҳозирда эса бунинг мутлақо акси.

Ҳар бир ҳудуднинг меҳнат салоҳияти, аҳолининг талаби, жойлашуви, иқлимидан келиб чиқиб, инвестицион лойиҳалар устида ишланмоқда. Биз ҳам бу жараёнга муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳолатидан келиб чиқиб амалга ошириладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватласак, бу орқали янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшамиз.

Бунинг учун сайловчилар билан мулоқотларни кўпайтириш, кўпроқ чекка ҳудудларга кириб бориш, иш бошлаш ниятида юрган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни

ечишга яқиндан ёрдам бериш керак. Жойларда сайёр қабуллар ўтказганимизда кредит олиш, иш бошлаш учун бино масаласида кўп ёрдам сўрашади. Уларга бефарқ бўлмасдан, лойиҳалар амалга ошиши, одамларимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик ғоялари рўёбга чиқиши учун кўмаклашсак, бу электротаримиз вакиллари учун ҳам манфаатли бўлади, деб ўйлайман.

Эътибор берадиган яна бир муҳим жиҳат бу – партиянинг жойлардаги фаолиятида инновацион ёндашувни жорий этишда, деб биламан. Электротариф билан ишлашда аънавий усуллардан ташқари, янги технологиялардан фойдаланиш, рақамли платформа ва ахборот тизимлари орқали фуқаролар билан мулоқотни кенгайтиришнинг самараси юқори бўлади. Бу ҳозирги замон талаби. Бу партияни халққа яқинлаштиришга хизмат қилади.

Фаолиятимиз қачон ижобий тенденция томон силжишига тўхталадиган бўлсам, бунинг

**Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?**

– Бу жуда жиддий савол. Тўғри, эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо бу — соҳада барча ишлар рисоладагидек дегани эмас. Чунки ҳали электротариф муаммоларини ечиш учун бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишлар талайгина.

Партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш партия фаоллари, ундан сайланган депутатларнинг Сайловолди дастурига асосан олиб бораётган амалий ишларига боғлиқдир.

Бошланғич партия ташкилоти мустаҳкам таянч бўлса, партиянинг нуфузи ортиб бораверади. Партия нуфузини ошириш ва электротариф манфаатларини ҳимоя қилишда туманлар ва шаҳарлар партия кенгашлари раисларининг фаоллиги муҳим.

Депутатларимиз орасида сўзи ўткир кишилар кўп. Аммо, шундайлари ҳам борки, негадир панада юришни афзал кўради. Уларнинг шунча ваколат ва имкониятлар берилишига қарамасдан, “сен менга тегма, мен сенга тегмай” ақидасига амал қилиши ишимизни орқага тортади, деб ўйлайман. Ваҳоланки, уларни билимсиз ва ташаббускор

““

**ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ КЎП, ВАКОЛАТЛАРИМИЗ ҲАМ ЕТАРЛИ. ИШОНАМАНКИ, РЕЖАЛАРИМИЗНИНГ БАРЧАСИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИМИЗДА АКС ЭТАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ХАЛҚ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ.**

учун партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва парламентдаги вакилларимиз барчаси бир мушт бўлиб ҳаракат қилиши керак. Тўғри, сўнгги йилларда улар ўртасидаги алоқа сезиларли даражада яшиланди. Ҳозир қуйида билдирилган ташаббусларимиз парламент минбарида акс-садо бермоқда. Бу яхши натижа, албатта.

Аммо шуни унутмайликки, бугун ҳаёт ўзгарган, қонунларга талаб ўзгарган, одамларнинг онги кечагидан мутлақо фарқ қилади. Кундалик турмушимизда, ишимизда, ҳаттоки, ким биландир мулоқот жараёнида қонунларга бўлган эҳтиёж ортганини сезиб борапмиз. Бунинг учун барча даражадаги депутатлар ва партия ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш керак.

Шунингдек, депутатлар, партия аъзолари ва оддий фуқаролар ўртасида реал мулоқот ўрнатиш зарур. Масалан, кенг жамоатчилик иштирокида партия ташаббусларининг натижадорлигини муҳокама қилиш мумкин, деб ўйлайман.

— **Ютуқлар ҳақида гапирдик, ҳато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади?**

эмас, деб бўлмайди. Сабаби, ўз соҳасида яхшигина натижаларни қайд этган инсонлар кўп. Депутат бугунги талаб ва масъулиятни чуқур англаб ўз фаолиятини ташкил этиши керак. Акс ҳолда, сайловчилари олдида ўз таъсирини йўқотади.

Умуман олганда, камчиликлар устида ишлаб, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари нуфузини ошириш бўйича қатъий режаларимиз бор. Имкониятларимиз кўп, ваколатларимиз ҳам етарли. Ишонаманки, режаларимизнинг барчаси амалий натижаларимизда акс этади. Энг муҳими, халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

\*\*\*  
Хўш, депутат сифатида сиз ишингиздан қай даражада қониқисизми? Маҳаллий Кенгашлардаги бугунги вазият, ҳақиқий манзара аслида қандай? Кейинги сонларимизда бошқа вилоятлардаги депутатларимиз, маҳаллий партия ташкилотларимиз эшигини тақилатамиз ва шу саволларга жавоб излаймиз. Тез орада сиз билан ҳам боғланамиз!

**“Ўзбекистон овози” муҳбири  
Лазиза ШЕРОВА  
суҳбатлашди.**



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# «ЎСМИРЛИК ЖАРИ»

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Тўғри, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг қамоли, орзу-ҳавасини кўришни ният қилади. Унинг ҳар томонлама бекаму кўст вояга етиши, жамиятга керакли инсон бўлиши учун ўзи емай едиради, киймай кийдиради. Хуллас, боласини бошига кўтариб авайлайди, унинг таъминоти-ю тарбиясига умрини бағишлайди.

Аммо фарзанди тарбиясига эътиборсизлик билан қараётган, унинг дўстлари ким, вақтини қандай ўтказаятгани билан умуман қизиқмайдиган ота-оналар ҳам афсуски, оз эмас. Шуниси борки, бундай хато ҳеч қачон беиз кетмайди. Фарзанд тарбияси йўлидаги масъулиятсизлик эртага аччиқ мевасини бериши турган гап. Бугун вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар фикримизни тасдиқлайди.

Хўш, вояга етмаган болалар нега жиноят содир этмоқда? Келинг, мавзуга чуқурроқ ёндашамиз. Бундай жиноятларнинг сабабларини, илдизи қаердан бошланишини кўриб чиқамиз.

## ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Дунё статистикасини оладиган бўлсак, бу борада ахборот технологиялари ривожланиб бораётганлиги сабаб ҳам вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг янги турлари аниқланмоқда.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бир маълумотга кўзимиз тушди. Кўплаб давлатларда бунинг статистикаси ҳам юритилмас экан. Аммо ЮНИСЕФ тарқатган бир маълумотда маълум бўлишича, дунё бўйлаб 1 миллиондан ортиқ бола (“Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”га кўра, 18 ёшга тўлмаган шахс) қамоқхоналарда сақланмоқда. Бу кичкина рақам эмас. Хўш, Ўзбекистонда бу борада ахвол қандай? Давлатимиз раҳбари 2024 йил 5 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишда 2023 йилда вояга етмаганлар 3,5 мингга жиноят содир этгани, 50 минг нафар бола мунтазам равишда мактабга бормаётганини қайд этган эди.

АЛБАТТА, СИЗНИНГ ҲАМ, БИЗНИНГ ҲАМ, УМУМАН ҲАММАМИЗНИНГ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН МУҲИМ МАСАЛА БУ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.

## САБАБИ НИМАДА?

Тўғри, ҳеч бир бола “жиноятчи бўламан”, деб ният қилмайди, бунга ҳеч қайси ота-она ҳам истамайди. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Хўш, шундай бўлса-да, нега вояга етмаган болаларимиз томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этиляпти? Бунинг сабаблари нимада?

Элёр ЗАИТОВ,  
ЎЗМУ социология кафедраси  
мудир, доцент:

– Мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Болалар нафақат ўзи улғаяётган оиланинг, балки мамлакатнинг келажаги, эртасини таъминлайдиган кучдир. Шунинг учун ёшлар тарбиясига бефарқ қараб бўлмайди. Уларнинг ахлоқий ва ижтимоий ҳулқ-атворини шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Дунёда юз бераётган ҳавф-хатар ва таҳдидлар, ахборот технологияларининг ривожланиши, ёшлар орасида ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётгани ҳам бундай ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган ишларни кучайтиришдек долзарб вазифани олимизга кўндаланг қўймоқда.

Бу борада, айниқса, вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини самарали таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир.

Хўш, вояга етмаган болалар нега жиноят содир этмоқда? Таҳлилларга кўра, бунга сабаб бўлаётган қатор омиллар бор ва бу борада айрим мулоҳазаларни айтиш ўринлидир.

Аввало, бундай ҳолатлар ажрашган оилаларнинг фарзандларида кўпроқ кузатиломқда. Чунки оила бузилиши болага ўта салбий таъсир кўрсатади. Тарбия ярим йўлда қолиб кетгандай гап бу. Ўз-ўзидан боланинг тарбияси ҳам издан чиқа бошлайди. Бу бора-бора уни ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қўл уришга ундайди. Ҳаётда учраётган ана шундай кўплаб нохуш воқеалар бунга тасдиқлаб турибди.

Ажрашиб кетгандан кейин айрим ота-

оналар нафақат фарзанд тарбиясини унуттишмоқда, балки унинг моддий таъминотини ҳам ўйлашмаяпти. Моддий қийинчиликлар сабаб бола жиноятга қўл уришга мажбур бўляпти.

Жиноят содир этаётган ўсмирларнинг шахсияти ва турмуш шароити таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти таълим муассасаларига боришмайди ёки узрли сабабларсиз кўп дарс қолдиришади. Бундан ташқари, тўлиқ бўлмаган оилада тарбияланган болаларнинг аксариятида бўш вақтлари тўғри ташкил этилмайди.

Гулҳаё НИЁЗОВА,  
психолог:

– Бунинг асосий сабабларидан бири оиладаги муҳитнинг яхши эмаслиги билан боғлиқ. Масалан, айтийлик, оилада эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги оқибатида юзага келадиган доимий жанжаллар, болаларга нисбаттан зўравонлик, ота-онанинг спиртли ичимликка муккасидан кетганлиги, оилада эр-хотин ва фарзандлар ўртасида ўзаро иззат-ҳурмат йўқолганлиги ҳам болаларнинг руҳиятини жароҳатлайди. Бундай бола жаҳлдор, асабий бўлади, кимдандир аламини олишига интилади. Бора-бора жиноятга қўл уриш унинг учун

кўрқинчли бўлмай қолади.

Мана шундай ховотирли ҳолатлар, аслида, вояга етмаганлар келажагига раҳна солаётганидан кўз омиб бўлмайди.

Яна бир масала. Вояга етмаган болаларимизнинг онгига салбий таъсир этаётган турли ахборотлар ҳам афсуски, уларни жиноят йўлига кириб қолиши учун йўл очмоқда. Телефонда ўйналадиган турли ўйинлар, зўравонлик ва фаҳш манзаралари акс этган маълумотлар уларнинг онгини заҳарламасдан қолмайди. Булар болалар учун ҳақиқий тажовуз, аслида.

Телефондаги ўйин орқали боланинг бемалол кининдир ўлдириш бўйича кўрқуви чекина бошлайди.

Чунки бола ҳали оқ-қоранинг фарқига бормаиди. Уларда, “шундай қилиш мумкин экан”, деган тушунча жуда тез шаклланади.

Қўлимиздаги шу қурилмадаги ўйиннинг ҳам, ахборотнинг ҳам мазмуни, нимага қаратилгани, яъни, ғояси уни тайёрловчининг билими, дунёқарashi, интилиши ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмайлик.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг бош омилга ҳам ана шунда. Яъни, биз катталар уларга беъэтиборлигимиз натижаси эмасми?

Айрим олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари жумласига қуйидагиларни киритади?

- яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири;
- ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги;
- ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгилловчи шарт-шароит омиллари;
- ёши катта жиноятчиларнинг таъсири;
- зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг омилларига эса назоратсизлик, умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларидаги мавжуд камчиликлар, маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган

органлар фаолиятидаги камчиликлар киради.

## УРСАНГ ЭТИ, ГАПИРСАНГ БЕТИ ҚОТАДИ, ДЕГАНЛАРИДЕК...

Сухбатдошимизнинг фикрига биз ҳам қўшилаемиз. Бугун кичик ёшли фарзанд-у набираларимиз топагонликка чорловчи, гуруҳ бўлиб ишлашни ўргатадиган сиз-у биз ўйнаган турли ўйинларни ўйнаб эмас, балки телевизор, планшет-у смартфонлардаги ўйинларни кўриб катта бўлаётгани, турли мультфильм “қаҳрамонлари”дан ўрнатилган борабара ва эҳтиёт бўлишимиз, тўғрироғи уларни эҳтиёт қилишимиз лозим.

Ўз-ўзидан нима қилиш керак, деган савол туғилади. Бунинг учун бола тарбиясига ниҳоятда эътиборли бўлиш керак. Оилада соғлом муҳитни фарзандлар билан дўстона ва очиқ муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Шу ўринда яна бир масала. Болани калтаклаб тарбиялаш бу катта хато. Уларни фақат яхши гапириб, тўғри тушунтириб тарбиялаш зарур. Тўғри, бу дегани калтакланган ҳамма болалар ҳам жиноятчи бўлади, дегани эмас. Лекин шу аниқки, болаларга фақат меҳр бериш керак, шунда улар ҳеч қачон ўзбошимчалик билан иш қилмайди.

Фарзандларимиз тарбиясини биргина таълим муассасаларига юклаб қўйиш тўғри бўлмайди. Ёшлар, хусусан, вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш масаласини жамоатчилик асосида доимий назорат қилиб бориш лозим. Бир болага етти маҳалла ота-она, дейишади. Атрофимиздаги болалар нималар билан машғуллигига кўни-қўшни, қариндош-уруғлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИ БИЛАН ҚАНДАЙ КУРАШИЛЯПТИ?

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, безорилик, майда ўғирлик қилган вояга етмаганлар кейинчалик оғирроқ ҳуқуқбузарликларга киришади. Агар ана шунга мойил болалар ўз вақтида аниқланмаса ва уларга кўча жиноятига альтернатива топилмаса, яъни бўш вақтини тўлдириш ёки меҳнатга жалб этилмаса, бир неча йил ўтар-ўтмас улар катта жиноятларга қўл урмаслигига кафолат йўқ. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳукумат органларининг бу борадаги асосий вазифаси – ҳулқ-атвордаги ўзгаришларни аниқлаш, ўсмирларни жиноят содир этишга ундайдиган сабабларни бартараф этишдан иборат.

Давлат раҳбарининг 2024 йил 5 февралдаги тегишли қарори билан Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлари (катта инспектор-психологлари) лавозимлари Миллий гвардия тузилмасига ўтказилганлиги ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Миллий гвардиясида Болалар билан ишлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, шунингдек, вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор-психологлар ва инспектор-психологлар лавозимлари жорий этилди.

Ушбу бўлинмалар томонидан мактабларда (10 134 та) ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш, ўқувчилар ўртасида назоратсизликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш, уларда қонунбузилишларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Шу билан бирга муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш, шунингдек, ўқувчиларнинг дарсларга

қатнашиш давоматини яхшилаш бўйича энг асосийси “Хавфсиз мактаб” концепцияси мисолида мактабларда хавфсизликни таъминлаш учун муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий гвардиянинг инспектор-психологлари февраль ойидан ҳозирги кунга қадар 44450 та Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари орқали маъмурий жазо чоралари қўлланилишини таъминлаган ҳамда ота-оналар томонидан фарзандларини мактабга юбормаслик ҳолатлари бўйича 175 мингга яқин огоҳлантириш хатлари ёзилган.

Ҳар бир замонда «ўсмирлик жари» – қаровсиз ва носоғлом оила фарзандлари бор. Афсуски, ҳозир ҳам улар кам эмас. Тўғри, давлатимиз томонидан ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Аммо айрим ўсмирларни жиноят олами ўзига тортaveraди. Шунинг учун бундай ёшларни жиноятчиликдан ва назоратсизликдан асрашга жиддий кўз билан қараш керак. Озгина эътиборсизлик ҳам ўз ортидан катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мулоҳазаларимизни Тошкент вилояти мисолида давом эттирамиз. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудуддаги 428 нафар назоратсиз ва қаровсиз юрган вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

198 нафар вояга етмаганлар, 221 нафар ота-она профилактик ҳисобга

БУ БОРАДА, АЙНИҚСА, ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҚИЛМИШЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЭМАС, БАЛКИ МАЗКУР ҲОЛАТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФАДИР.

олинди. Фарзандига таълим-тарбия бериш мажбуриятини бажармаган 5 684 нафар ота-оналарга МЖТКнинг 47-моддаси бўйича маъмурий чора кўрилди. Жиноятларнинг оқибатлари тўғрисида таълим муассасаларида 374 маротоба учрашув, давра суҳбатлари ва бевосита мулоқотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқбузарликка тоқатсизлик руҳида тарбиялаш бўйича 773 маротоба дарс машғулотлари олиб борилди.

Натижада, жорий йилда вояга етмаганлар жинояти 8 тага, жиноятда иштирок этган вояга етмаганлар 7 нафарга камайишга эришилди.

Албатта, сизнинг ҳам, бизнинг ҳам, умуман ҳаммамизнинг олдимизда турган муҳим масала бу ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш. Чунки, ёшлар бизнинг келажагимиз. Фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш, бунда шахсий ибрат жуда муҳим омил эканини унутмайлик. Керак бўлса, фарзандимиз билан ҳар куни дўстона мулоқот қилайлик.

Лазиза ШЕРОВА,  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



# ИНСОНИЯТНИНГ ИЛК БОР КОИННОТГА ПАРВОЗИДА ҲИССА ҚЎШГАН ЎЗБЕК ОЛИМИ



1961 йил 12 апрель санасида сайёрамизнинг биринчи космонавти, ҳарбий учувчи Юрий Гагарин илк бор “Восток” космик кемасида Ер шари атрофида орбитал парвозни амалга оширди ва бу 108 дақиқа давом этди.

Мазкур тарихий воқеа космик тадқиқотлар соҳасида катта имкониятларни очди. БМТнинг 2011 йил 7 апрелидаги резолюцияси асосида 12-апрель Бутунжаҳон авиация ва космонавтика кўни сифатида нишонланиб келинмоқда.

Ўз даврининг оламшумул кашфиёти – инсониятнинг коинотни ўзлаштиришига ҳисса қўшган буюк олимлар қаторида Ўзбек ўғлони ҳам эътироф этилишини биласизми? Гап машҳур механик-математик олим, педагог ва фан ташкилотчиси, академик Халил Раҳматулин ҳақида бормоқда.

Педагогика фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академияси академиги Абдумутал НАБИЕВ Халил Раҳматулин ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

- Дарҳақиқат, 1961 йилда Юрий Гагариннинг космосга парвози билан тарихда янги давр бошланди. “Космосга парвозни амалга ошириш” дастури раҳбари, бош конструктор С.Королёв ракета-космик соҳасида қўлга киритилган бу улкан ҳодисада иштирок этган салоҳиятли олимлар қаторида ўзбек фарзанди Халил Раҳматулиннинг ҳам номини тилга олади - дейди А. Набиев.

У 1909 йил 23 апрелда Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳрида ўзбек оиласида таваллуд топган. Бошланғич таълимни Қирғизистонда олган. Касбий таълимни Тошкент вилояти педагогика техникумида эгаллаган. Техникумни имтиёзли тамомлаб, бир муддат ушбу масканда дарс ҳам берган.

Халил Раҳматулин Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) физика-математика факультетининг биринчи курсини 1930 йилда тамомлаган пайти муайян сабабларга кўра у таҳсил олаётган механика бўлими ёпилади. Унга ҳам курсдошлари сингари бошқа йўналишда ўқишни давом эттириш тақлиф қилинганда, розилик бермай, ҳозирги М.В.Ломоносов

номидаги Москва давлат университетига кетишга аҳд қилади. Аммо ҳаётий зарурат туфайли бир неча ой ишлаб, пул топишига тўғри келади ва 1931 йилнинг январида Москвага келиб, университет раҳбариятига учрашганида “Сиз кечикиб келдингиз, дарсларни ўзлаштира олмайсиз”, деган жавобни эшитади. Бироқ қатъиятли ёш Халил синовлардан муваффақиятли ўтиб, МДУ талабаси бўлади.

1937 йилда “Катта тезликлар аэродинамикасининг баъзи масалалари” мавзuida номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Халил 30 ёшидаёқ механика, математика, муҳандислик ва конструкторлик соҳаларида дунё илм аҳли орасида кўплаб илмий-амалий йўналишлар асосчиси, фавқулодда истеъдод соҳиби, камтарин олим сифатида танилиб ўлгурган.

Олимнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳам диққатга молик. Ўша даврда ҳукумат томонидан мудофаа аэростатларининг самарали конструктив тизимини яратиш бўйича МДУ олимларига топшириқ берилади. Бу муҳим топшириққа жавобан назарийёчи-экспериментатор

олим Халил Раҳматулин душман самолётларидан мудофааланишга мўлжалланган “Кўндаланг зарба” назариясини кашф этади.

Халил Раҳматулин 1947 йилда ракета-космик соҳасидаги етакчи муассаса – Марказий машинасозлик илмий-тадқиқот институтига масъул лавозимга ишга қабул қилинади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, олимнинг бевосита илмий-амалий ғояси, ташаббуси, раҳбарлиги ва иштирокида фан, техника-технология учун сув билан ҳаводек зарур бўлган аэродинамика соҳасида адиабатик жараёнга асосланган ноёб қурилма яратилган ва ишга туширилган.

Атоқли ўзбек олими, академик Халил Раҳматулин раҳбарлиги ва иштирокида яратилган ўта ноёб тажрибавий мажмуа ракетасозлик саноати учун ҳозир ҳам қатор муаммоларни лаборатория шароитида аниқлашга имконият яратмоқда.

Бугун жаҳон олимлари XX асрнинг машҳур механиклари қаторида Халил Раҳматулин номини ҳам эътиром билан эслаб ўтиши бежиз эмас. У қолдирган улкан ва беназир илмий меросни чуқур ўрганиш ҳамма давр учун зарурий аҳамият касб этади.

Тоштемир Худойқулов тайёрлади.

АТОҚЛИ ЎЗБЕК ОЛИМИ, АКАДЕМИК ХАЛИЛ РАҲМАТУЛИН РАҲБАРЛИГИ ВА ИШТИРОКИДА ЯРАТИЛГАН ЎТА НОЁБ ТАЖРИБАВИЙ МАЖМУА РАКЕТАСОЗЛИК САНОАТИ УЧУН ҲОЗИР ҲАМ ҚАТОР МУАММОЛАРНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА АНИҚЛАШГА ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА.

## Сўраган эдингиз

### РЕЕСТРГА КИРИТИЛГАН ОИЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ?

Давлатимиз раҳбарининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини тақомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига кўра, жорий йилнинг 1 апрелидан:

“Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга, уй-жой шароитларини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий ёрдамлар эса – ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истёмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларга ҳам тақдим этилади.

Бунда маданий-маърифий, таълим, спорт ва туризм тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари тушумларининг 25 фоизидан кўп бўлмаган қисмини йўналтиришга рухсат берилади;

“Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари орқали ижтимоий ёрдамлар қуйидаги тартибда

кўрсатилади:

- оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада камбағал оилаларнинг ёшлари ва хотин-қизларига муайян ижтимоий ёрдамларнинг белгиланиши ушбу тоифадаги шахслардан қўшимча мурожаат талаб этмаган ҳолда “Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишига асос бўлади;
- “Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилган шахсларнинг ижтимоий ҳолатини аниқлаш “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали, оиланинг молиявий ҳолатини эса – идоралараро ахборот алмашинуви орқали автоматик равишда баҳолаш (скоринг) натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

### “ИЖТИМОИЙ ДАФТАРЛАР” ЖАМҒАРМАЛАРИ ОРҚАЛИ

2025 йил 30 январда қабул қилинган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини тақомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармониға мувофиқ, Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар учун “Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари орқали қўллаб-қувватлашнинг янги инструментлари жорий этилади.

Хусусан, “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан ногиронлиги бўлган ёшларга параспорт тўғаракларига қатнашиш учун йўл ҳақи харажатларини ҳар ойда БҲМнинг 1 бараваригача миқдорда қоплаб бериш белгиланган. Бунда ногиронлиги бўлган ёшларнинг параспорт тўғаракларига қатнашиши Спорт вазирлигининг “ERP-sport” ахборот тизими орқали мониторинг қилиб борилади. Шунингдек, жамғарма ҳисобидан 6 ой давомида мунтазам равишда спорт ва санъат тўғаракларига қатнашаётган ёшлар учун қиймати БҲМнинг 10 баравари (3 млн 750 минг сўм)дан ошмайдиган махсус спорт форма, инвентарь, мусика ва чолғу асбобларини харид қилиш учун маблағлар ажратилади.

Шу билан бирга, камида 3 нафар хотин-қизлар, ёшлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг бандлиги ҳамда ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишинча “Аёллар дафтари”,

“Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисобидан БҲМнинг 60 баравари (22,5 млн сўм)гача грантлар ажратиш; ёнгин, сув тошқини, зилзила ва бошқа техноген ҳодисалар оқибатида зарар кўрган оилаларга уй-жойларини тиклаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаш учун “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали БҲМнинг 150 баравари (56 млн 250 минг сўм)гача бўлган миқдорда ёрдам кўрсатиш инструментлари жорий этилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам ўрнига ушбу ҳудудларда яшовчи Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга уй-жойида артезиан қудуқ қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик сув филтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби жорий этилади. Бунда субсидия харажатларнинг 90 фоизи, бироқ БҲМнинг 30 баравари (11 млн 250 минг сўм)дан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади.

ТАШАББУС

# ЖИЙДАБУЛОҚЛИКЛАР МАМНУН

Сув –тириклик рамзи. У бор жой гуллаб-яшнайд. Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Жийдабулоқ қишлоғи аҳолиси учун кўп йиллар ичимлик суви муаммо бўлиб келган. Лекин энди у кунлар ортда қоладиган бўлди.

– Қишлоғимиз туман марказидан 60 километр олисда жойлашган, – дейди 67-мактаб директори Мансур Муҳаммадиев. – Сув биз учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келгани бор гап. Яқин-яқингача 2-3 тонна сув 1-1,5 миллион сўмга сотиб олинган. Устига-устак, йўлларимиз ўнқир-чўнқир, баланд-

паст. Қир, адир ва ўнгирлардан ўтишга тўғри келади.

– Олтмиш олти ёшдаман, – дейди меҳнат фахрийси Холбой Муҳаммадиев. – Аслида Жийдабулоқ қадимий қишлоқ бўлиб, 450-500 йиллар олдин пайдо бўлганини айтишди. Якка жийда дарахти тагидан булоқ чиққани учун Жийдабулоқ, деб юритилган экан. Ҳозирги кунда 400 га яқин аҳоли яшайди. 60 дан ортиқ хўжалик бор. Сўнгги йилларда замонавий телекоммуникация тармоғи тортилиб, йўлларнинг бир қисмига тош-шағал аралашмаси тўшалди. Кўркам тиббиёт маскани иш бошлаганидан хурсандмиз. Шинам таълим даргоҳини кўрган кишининг эса ҳаваси келади.

– Сизлар кўриб турган анави улкан чўққи денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландда жойлашган, – давом этади маҳалла фаоли Улуғбек Хўжамуродов. – Ана шу жойда “Толли” деб аталадиган зилол сувли чашма оқади. Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда хикмат кўп, деганларидек ўзаро келишган ҳолда шу булоқдан сув келтирмоқчи бўлдик. Бунинг учун саховатпешаларимиз ташаббус кўрсатди. Юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 4 минг метрга елим қувур тортилди. Ва ниҳоят, қишлоғимизга сув келди. Бундан кекса-ю ёш бирдек мамнун.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



|                                                                                     |  |                                                                                                                                                                                                         |  |                                                                                                               |  |
|-------------------------------------------------------------------------------------|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| <b>MUASSIS:</b>                                                                     |  | <b>Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA</b>                                                                                                                                                                |  | Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida<br>0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. |  |
|  |  | <b>MANZILIMIZ:</b> 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3                                                                                                                                            |  |                                                                                                               |  |
|                                                                                     |  | <b>Телефонлар:</b> (71) 239-12-14<br><b>E-mail:</b> uzbovozi@mail.ru                                                                                                                                    |  | <b>Navbatchi:</b> <b>Ravshan SHODIYEV</b>                                                                     |  |
|                                                                                     |  | «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi<br>bosmaxonasida chop etildi.<br>Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.<br>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq. |  | Г — 437. 1715 nusxada bosildi.<br>Nashr ko'rsatkichi — 220.<br>t — Tijorat materiallari                       |  |
|                                                                                     |  |                                                                                                                                                                                                         |  | O'za yakuni —<br>Topshirilgan vaqti — 23:10<br>1 2 3 4 5 6<br>Sotuvda kelishilgan narxda                      |  |
|                                                                                     |  | Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.                                                         |  |                                                                                                               |  |

**O‘zbekiston Ovozi**  
**TAHRIR HAY’ATI:**

Ulug‘bek INOYATOV

Ulug‘bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAYSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

**O‘ZBEKISTON**  
**XALQ DEMOKRATIK**  
**PARTIYASI**  
**MARKAZIY KENGASHI**